

**5 ноябрь
куни
Республикамизда
атоқли
давлат ва
жамоат
арбоби
Шароф
РАШИДОВ
таваллудининг
75 йиллиги
тантаналари
бошланади**



БОЛАЛАРНИ СЕВАР ЭДИ У

Давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов кичкитой болаларни жуда яхши кўрар эди. Тез-тез мактабларда, болалар муассасаларида бўлиб, уларнинг ўқишлари, ижодий ишлари, муаммолари билан ўртоқлашарди. Мавжуд камчиликларни бартараф этишга кўмаклашарди.

Таълим соҳасига оид, мактаблардаги янгиликлар билан қизиқарди. Учрашувларда болалар ўз ҳаётларидан ташқари адаб Ш. Рашидовга унинг асарлари ҳақида ҳам саволлар беришарди.

Эртага республикамизда Ш. Рашидовнинг туғилган кунига 75 йил тўлиши

муносабати билан катта тантаналар бўлиб ўтади. Шунингдек, юбилейгача ёзувчининг янги нашр этилган асарларидан кўргазма ташкил этилади. Эртага эса юбилейга ташриф буюрган меҳмонлар Ш. Рашидов биринчи бор дағн этилган майдонда — “Правда” газетаси қўчаси ва Ш.

Рашидов проспекти чорраҳасида унинг китобга нигоҳ ташлаб турган қиёфасидаги ҳайкалининг очилиш маросимида иштирок этишади.

Қилинаётган барча ишлар унинг руҳини шод этгай.

Суратда: 1978 йил.
Болалар Ш. Рашидовга туллар тақдим этмоқдалар.

Р. Альбеков олган сурат.



ЁШ ВАТАНДОШЛАР АНЖУМАНИ

Кеча Тошкентда “Ёш ватандошлар Халқаро Анжумани” ўз ишини бошлади. Анжуманга Америка, Сирия, Саудия Арабистони, Туркия каби мамлакатлардан 100 нафардан зиёд ишбайлармон ёшлар тақлиф этилган. Шу сабаб улар Ўзбекистоннинг саноати, унинг тараффиётни, савдо-сотик ишлари билан танишиб таҳриба алмашадилар. Тошкент трактор заводи, “Совпластитал” қўшима корхонаси, “Орзу” ҷармгалантерия фабрикаси, чинни буюллар заводи, Ўзбекистон Фанлар Академиясида бўладилар. Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларининг қадимий обидалари ва хушиманзара жойлари билан танишадилар. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган ушбу катта анжуман ҳақидаги хабарлар билан кейинги сонларда танишиасиз.

ДИҚКАТ! ДИҚКАТ!

“Тонг юлдузи”га 1993 йил учун обуна бўлсангиз, газетамиз ташкил қилган “Чапақайлар конкурси” (6 октябрь) ва “Ўзбекистон – Ватаним менинг” (20 октябрь) кўрик-экспедициясида голиб бўлишнинг биринчи шартини бажарган бўласиз. Голиблар – болалар велосипеди, “Смена” фотоаппарати, осма соат ва Тошкентга уч кунлик бепул саёҳат йўлланмаси билан тақдирланадилар.

Эслатиб ўтамиш: обуна ноябрь ойида ҳам давом этади.

Бу сизга берилган катта имконият!

**ФУРСАТНИ БОЙ
БЕРМАНГ!**

Мана, яқин кунларда В. И. Ленин номидаги пионерлар ташкилоти ишининг давомчиси – Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмасини ташкил этган навбатдан ташқари XVI слёт бўлиб ўтганига ҳам бир йил бўлади. Хўш, шу кунгача нима ўзгарди, Уюшмада қандай янгиликлар бўлди?

Биз ана шу саволлар билан Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси раиси ўринбосари Д. Б. РИЗАЕВАга мурожаат қилдик.

...УЛАР МАЊНАВИЯТИГА ҚАНЧА КАМ ЭЪТИБОР БЕРСАК,

**ЭРТАГА ТЕГИРМОН ТОШИ АЙЛАНИБ, УНИНГ ЗАРБАСИ МИЛЛАТИМИЗ БОШИГА
КЕЛИБ ТУШИШИ МУМКИН.**

— Ҳозирча, хурсанд бўладиган бирор янгилик йўқ. Бу билан ташкилот иши умуман ўлган демоқчи эмасман. Аксинча, комсомол, пионер деган атамалар йўқ бўлганидан кейин болалар, ўсмирлар ҳаётидан бир бўшлиқ пайдо бўлгани билан тез орада ҳамма бундай ташкилотлар — улар қандай формада бўлмасин — жуда зарур эканлигини тушундилар. Бугун болалар ташкилотига зарурат бўлиб, у жойларда қизиқишиларга қараб тузилмоқда.

Мисол учун биргина пойтахтдаги Юнусобод туманини олайлик. Туман ўсмирларининг умумий ўйнилишида 17-мактабнинг ташаббуси билан янги ташкилот — йўғил ва Қизлар Иттифоқи ташкил этилди. Шу туманинг ўзида 43-мактаб ўқувчилари ташаббуси билан Болалар ва Ўсмирларининг Мустакил ташкилоти, 288-мактабнинг ташаббуси билан ана шундай ташкилот Дўстлик номи билан ташкил этилди. Яна шу туманинг 17-мактабида кўйи синфлар учун “Билагонлар” ва юкори синф ўқувчилари учун “Тикланиш” ёшлар Иттифоқи тузилди.

Бундай янги тузилган ташкилот ва гурӯхларнинг рўйхатини узоқ келтиришимиз мумкин. А. Икромов, Шайхонтохур каби туманларда ҳам болалар ташкилотлари янгитдан тузилиб, фаолият кўрсатишмоқда. Улар аксарияти навбатдан ташқари чақирилган слётда қабул қилинган “Асосий иш ўйналишлари” бўйича иш юритишмоқда. Мен биргина пойтахтдаги туманлардан мисол келтиридим. Бундай ажойиб ишлар, тадбирлар вилоятларда ҳам давом этмоқда. Бу эса ўз-ўзидан болалар ташкилоти доимо бўлган ва доимо бўлади, деган умид пайдо килади.

— Ташкилотнинг фаолияти яхши бўлиши учун, албатта, молиявий аҳвол ҳам яхши бўлиши керак?

— Сиз бизнинг энг оғриқ жойимизга тегиб ўтдингиз. Шу пайтacha биз Болалар ва Ўсмирлар республика Уюшмасининг юкори органи бўлганимиз билан маблагимиз йўклиги сабаб кўйи ташкилотларга молиявий томондан кўмак бера олмадик. Бу хаҳда гапириш хатто кулгили. Сабаби,

Уюшмани шу кунгача КТИ (БТФ) маблаг билан таъминлаб турди. Бу маблаг янги йилнинг январь ойидан башлаб тўхтатилади. Бу эса ўз-ўзидан болалар ташкилотининг ҳалокатига олиб келади. Биз бу масала билан хукуматга мурожаат қилдик. Тез орада Молия вазирлигидан “Хомийлар қидиринг”, “Ташкилотнинг аъзоларидан аъзолик бадалийинг” деган мазмунда жавоб хати олдик...

Бизнинг республикамиз болалар ташкилотига хос бўлган бу муаммо бошқа республикаларда ҳам бор. Аммо ҳозиргача Туркманистон, Қозогистон, Россия хукумати болалар ташкилотлари ва болалар матбуотига хос бўлган бу муаммони кўриб чиқди. Улар болаларни ўз химояларига – давлат қарамогига ўтказишга қарор қилиди. Биз ҳам ана шундай яхши ишлар республикамизда амалга ошади, деган умиддамиз. Зеро, бугун болалар мањнавиятига қанча кам эътибор берсак, эртага тегирмон тоши айланиб, унинг зарбаси миллатимиз бошига келиб тусиши мумкин.

Д. ТУРАХМЕТОВА ёзиг одди.

АТОКЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, АДИБ Ш. Р. РАШИДОВ

ТАВАЛЛУДИННИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

Ҳар даврнинг ўзига хос тарихий воқеалари бўлади. Бақт тўғони гирдобида эса хатога ҳам йўл қўйилади, қилинган сара ишлар устига кора чизиклар тортилади, яхши кишилар унуттилади. Республика мизнинг равначи ва ривожи, ҳаёти учун хайрли, катта ишларни амалга оширган Шароф ака Рашидов номи ҳам ана шундай тўғонга учради. Унинг бажарган ишлари нотўғри деб топилди, номи қораланди.

Аммо ҳақиқат доим қарор топади. Жумхурятимиз ўз мустақиллигига эришгач эса Ўзбекистон учун жон куйдирган бу табаррук инсон номи ҳам оқланди.

1977 йилда давлат арбоби Шароф аканинг ташаббуси билан пойтахтда янги мактаб очилди. 15 йил давомида мактаб мустаҳкам билим ўчигига айланди, кучли ўқитиш базасига эга бўлди. Бутунги кунда бу мактабда икки тилда: рус ва ўзбек

тилларида таълим берилмоқда.

1991—92 ўкув йилидан бошлаб эса бу 64-мактаб лицей-мактабга айлантирилди ва унда инглиз, ўзбек тиллари, одобнома, информатика, миллий рақслар, ҳалқ оғзаки ижодини чукур ўрганинг маҳсус синфлар ташкил этилди. Рус синфларида ўзбек тили 1-синфдан ўқитила бошланди. Шу жумладан, I-Тошкент Давлат медицина



Ш. РАШИДОВ НОМИ БЕРИЛДИ



“ЧАПАҚАЙЛАР КОНКУРСИ”ГА МАКТУБ “ЧАПАҚАЙ ЭТИКДЎЗМАН”

Менинг исмим Азизжон. Навоий вилояти, Нурота туманинаги 11-мактабнинг 9-синфида ўқийман. Ёшлигимдан чапақайман. Ёдимда бор, 1-синфга қадам қўйган кезларим чап қўлда ёзганим учун ота-онамдан кўп дакки эшитганман. Лекин фойдаси бўлмаган. Ҳозиргача барча юмушларни чап қўлимда бажараман. Расм чизаман, игна, бигизларни чап қўлимда ушлаб, этикдўзлик ҳам қиласман.

Тўғрисини айтсан, чапақайлигидан бироз ийманиб юрадим. “Тонг юлдузи”да “Чапақайлар конкурсси” ўтказилиши ҳақидаги хушхабарни ўқиб эса севиниб кетдим. Ва унда иштирок этишга, омадимни синаф кўришга қарор қилдим. Зудлик билан “Тонг юлдузи”га 1993 йил учун обуна бўлдим.

Азизжон ҲАЙДАРОВ.

МУҲАРРИИЯТДАН:

Азиз ўқувчилар! Ёдингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 6 октябрь сонида “Чапақайлар конкурсси”ни ташкил этган эдик. Муҳаррииатимизга чапақайлардан кўплаб мактублар кела бошлади. Мактуб муаллифлари конкурсда қатнашиш ниятида эканликларини билдириб, чап қўлда бажарган ишларидан намуналар юборишган. Тошкент шахри, С. Раҳимов туманида яшовчи Малика Абдумаликова ҳамда наманганлик Жасур Шералиевлар ўз ишларини биринчилардан бўлиб конкурсга тавсия этишган. Лекин, ҳар иккиси ҳам конкурсимизнинг 1 шартини бажармаганлар, яъни “Тонг юлдузи”га 1993 йил учун обуна бўлмаганлар. Бу албатта фолиб бўлишларига панд беради.

Лекин ҳали ҳам кеч эмас, газетамизга обуна бўлишга уларда етарли имконият бор.

Шу ўринда “Чапақайлар конкурсси”да иштирок этишни хоҳлаган болалар учун унинг шартлари ва талабларини яна бир бор эслатиб ўтишини лозим топдик:

1. Конкурсда иштирок этишни хоҳлаган ҳар бир бола “Тонг юлдузи”га 1993 йил учун обуна бўлиши шарт (Бунинг учун 1 очко қўшилади).

2. Чап қўл билан чиройли ҳуснинат ёзиш, расм чизиш, тикиш-бичиш, нақш чизиш, ўймакорлик ва ҳоказо, нимаки иш бажара олсангиз, муҳаррииатимизга улардан намуналар юборинг. (Чап қўлда бажарган ҳар бир ишингизга 1 очкодан қўшилади).

3. Конкурсга тавсия этилган ишларнинг ҳақиқатан ҳам чап қўлда бажарилганлигини тасдиқловчи мактаб маъмуриятининг тасдиқномаси бўлиши шарт.

Эслатиб ўтамиш: конкурсга тавсия этилган ишлар иккى ой муддат ичида, яъни 5 ОКТЯБРДАН 5 ДЕКАБРГАЧА қабул қилинади. Конкурс фолибларини эса қўйидаги мукофотлар кутади:

I СОВРИН — болалар велосипеди.

II СОВРИН — “Смена” фотоаппарати.

III СОВРИН — осма соат.

Фолиблар суратлари билан газетада эълон қилинади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент шахри, Ленинград кўчаси 32, “Тонг юлдузи” газетаси, “Чапақайлар конкурсси”га.

Мактубларингизда ўзингиз ҳақингизда тўлиқ маълумот ҳамда суратингизни юборишни унутманг.

бошладилар. Ана шу маълумотлар асосида мактабда катта бурчак ташкил этишди. Деворий газеталар ва альбомлар тайёрлашди. Давлат арбоби таваллудининг 75 йиллиги тантана қилинадиган кунда бу билим даргоҳида ҳам ажойиб кеча ўтказилади.

СУРАТЛАРДА: ўз билим даргоҳларига қўйилган бу ном эгасининг ҳаётини рус синф ўқувчилари ҳам ўрганишмоқда. Гулиора опа Нурилаева Ш. Рашидов ҳаёти ҳақида сўзлаб бермоқда.

Мактабда компьютер техникаси ўргатиш иши яхши йўлга қўйилган.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

КИЗЛАР КЎЧА ‘КУРКИМИ?’

Тунов куни бир юмуш билан туманимиз марказига тушган эдим. Ўйга хафа бўлиб қайтдим. Мен оддий қишлоқ қизиман. Йўқ, қишлоқ қизи бўлганимдан эмас, ўзим қатори бир гурух дугоналариминг кўчадаги юриш-туришларини, ўзларини тутишлари нобоплигидан ранжидим. Соchlари калта қирқилган, юз-кўзлари керагидан ортиқроқ бўялган, эгниларидан чет элнинг кимматда бошқа кийимлари.

Кимнинг қандай кийиниши ўзининг шахси иши-ку, дерсиз. Тўғри, мени уларнинг кийимлари эмас, мактаб ўқувчилари бўла туриб: катта кўчада ўзаро бошқа тилларда шовқин солиб сўзлашишлари, оғзиларидан ҳақоратли сўзлар ҳам чиқиб кетаётганилиги, барчанинг зътиборини жалб қилиб, ҳандон отиб кулаётганиклиари ажаблантириди. Бу ҳам етмагандек, соддароқ кийинган қизларнинг устидан мазах қилиб кулишаштаниларини кўриб, дилим вайрон бўлди.

Тасавуримда қиз болалар кўчаларимиз кўркидек эди. Лекин юқоридаги манзаранинг гувоҳи бўлгач, фикримдан қайтдим.

Машҳура ЗАРИПОВА, Фарғона вилояти, Багдод туманидаги 5-мактабнинг XI-синф ўқувчиси.

Санъаткорлар оиласи

Алишер Юсуповнинг оиласида ҳамма санъатга қизиқади. Фарзандларнинг барчаси-Жаҳонгир, Мунис, Баҳодир ва Мадина ҳам қўшиқ айтишади, ҳам рақсга тушишади.

Айниқса, катта ўғли Жаҳонгирнинг санъатга ихлоси баланд.

Марғилондаги 23-мактабнинг 8-синфида таълим олаётган Жаҳонгир “Санъат байрами” вилоят кўрикларининг бир неча бор ғолиби бўлган. Унинг замонавий қўшиқлари барчага манзур.

СУРАТДА: Алишер Юсупов катта ўғли Жаҳонгир билан.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.



СПОРТ * СПОРТ



Ҳозирги кунда оммавий бўлган каратэ, таэквон-до, У—ШУ каби шарқ якка кураш санъати бизнинг спортга кириб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, курашнинг бу турлари ёшлар орасида тез оммалашиб кетди.

Яқингача спортнинг бу турлари таъкиланиб келинганди. Чунки, қадимий бу курашлар санъати инсонни ваҳшийликка ундаиди, жамиятимиз тараққиётiga салбий таъсир қиласди, деб тарғиб қилишарди. Шу курашлар санъати билан шугулланганларни ҳатто жавобгарликка тортиб, жиноячига чиқариб қўйишган ҳоллари ҳам бўлганди. Чинакам спортнинг ана шу турларига ихолос қўйганларга булар тўсиқ бўла олмади. Улар машғулотларни яширин тарзда ертўлаларда, кўп қаватли биноларнинг томларида, шаҳар чеккаларида давом этиравердилар. Бу кураш санъати инсонга бекиёс жисмоний қувват, мустаҳкам соғлиқ ва тенгиз сироа беришини билишарди.

Ривоятларга қараганда, аждодларимиз ҳар куни тонг саҳарда туриб Аллоҳга илтиж қилиб, ўғил беришини сўраганлар. Ўғил туғилса юрт ҳимоячиси биттага кўпайди, дегани эди. Оғироёқ бўлган аёлга фақат энг тотли таом, ширин сўз, хушкайфият бағишладиган оромгоҳнигина раво

кўришаркан. Эрлари шу даврда рафиқаларнинг кўнглига қилчалик озор етказмас, кўзларига ёш келтирмас эканлар.

Сабаб: туғилажак фарзанд она қорнидаёқ мисли паҳлавондай вужудига қўйиладиган қон тоза бўлсин. Шундагина зурриёд жўшқин қонли, ҳақиқий, жасур бўлиб дунёга келаркан. Ўғлон уч ёшга тўлға, унга қўл кураши, оёқ кураши, гавдаси билан дадил туриб кураш тушиш санъатларини ўргатишар экан... Балки шу сабаб Яккабоғдаги оддий бир қишлоқда туғилган Темур оламга машҳур Амир Темур бўла олгандир.

Қўл остидаги йигитлари эса мағлубият нималигини билмагандир. Шунинг учун ҳам, улар оқилу фозил, меъмору санъаткор, елкаси ерга тегмаган паҳлавонлар бўлиб этишган бўлсалар не ажаб?..

Яқинда Корея Халқ Демократик Республикасининг Пхенъян шаҳрида таэквон-до бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда илк бор мустақил давлат сифатида бизнинг ватандошимиз ҳам қатнашди ва чемпионлик шоҳсупасига кўтарилишга муваффақ бўлди. У Ўзбекистон чемпиони Насриддин ТОЛИПОВ эди. Биз жаҳон совриндори Насриддинни шинамгина спорт залида машғулот ўтказаётган вақтида учратдик. У чиндан ҳам маҳоратли, мен тасаввур қилгандек спортчиларга хос қоматли, хушфөъл, хушмуомалали йигит экан...

ТАЭКВОН-ДО УСТАСИ

ТЕГМАГАН УЧИНГ

ЕДГА

КУРАГИ

Кишлоғимизда кураш тушмайдиган киши йўқ. Болаларни ҳам жуда ёшлигидан кураш тушишга ўргатишади. "Фалончининг ўғли фалон тўйда Каримни йиқитибди" каби гурур билан айтилган гапларни кўп эшишиш мумкин. Отам бизларга кишлоғимиздаги Ўлмас полвон деган киши ҳакида кўп сўзлаб берадилар. У кишининг номини, енгилмас курашчи бўлганларни нафақат бизнинг қишлоқ аҳли, кўшни қишлоқдагилар ҳам яхши билишар эди. "Кураги ерга тегмаган" курашчига ўхшасин, деб ўз фазандларига Ўлмас деб исм беришарди. Аммо у киши дунёдан ўтгач эса номи унтилди. Узок йиллар давомида кексалар унинг хотирасини эслаб юришса-да, ортиқ ҳеч нима килишмади. Яқинда эса кишлоғимизда кувончли воқеа юз берди. Биз истикомат қилаётган жамоа хўжалиги ўйнгоҳига Ўлмас полвон номи берилиди. Полвон руҳи шод этилди. Бунга севинмай бўладими?

Аммо... ўша курашдаги, ундағи голиблику мардликни мадҳ эттубучи кувончлар бугун қишлоқдошларимиз юзида балқимайди. Сабаби, ҳамма кураш тушишини билгани билан бундай миллий ўйинимизга ё вақт, ё кайфиятлари бўлмайди. Ҳамма тирикчилик билан банд. Бугунги куннинг Ўлмас полвонлари қани? Ўлмас полвон ўйнгоҳи янга томошибинлар билан тўлиши учун нима килиш керак?

Насиба БОЗОРОВА,
Бухоро вилояти, Қоракўл тумани К. Ушинский номидаги мактаб.

— Насриддин, мана кўпгина мусобақаларда қатнашиб, яхши натижаларга эришиб келяпсиз. Бу Шарқ якка курашларининг деярли ҳаммаси тинимсиз катта меҳнатни, тенгиз сироа беришига ва ниятингизга тўлиқ этиши учун узоқ мuddатни талаб этади. Сиз эса таэквон-дони қиска вактда ўзлаштирибигина колмай, балки устозлардан ҳам ўзиг беттансиз. Бунинг сабаби нимади?

— Спорта ҳамма болалар катори ўқувчилик давримдаёқ қизиқсанман. Ўшанда тўртинчи синфа ўқирдим. Биз спортнинг дзю-до, футбол каби турларига қатнашдик. Кейинчалик дзю-дони бирор ўзлаштириб, самбога ўтдим. Ҳатто самбо бўйича бир канча мусобақалarda қатнашиб, спорт мастерлигига номзод талабларини ҳам бажардим. Мактабни тамомлаганимдан сўнг, 1987 йили ҳарбий хизматга қаҳирилдим. Ҳарбий хизматим ҳам тақдир тақозоси билан Сарҳадда чегарачилар кўшинида бўлди. У ерда самбо бўйича инструктор бўлиб, солдатларни машғулотларга тордим. Ўзим ҳам тинч турмадим, самбо бўйича окрут биринчилларидаги қатнашиб, икки марта биринчилкни олдим. 1989 йили ҳарбий хизматни туталлаб, Тошкентга қайтиб келдим. Кўриб турганингиздек, шу давр ичидаги спорту билан шугулланиб келгандигим сабабли, таэквон-дони тезда ўзлаштириб олишим осон кечди.

— Нимага айнан Шарқ якка курашининг таэквон-до турига қизиқиб колгансиз? Биринчи устозингиз ким бўлганди?

— Ҳарбий хизматдан қайтсан, самбо бўйича мен билан шугулланиб юрган дўстларим таэквон-дога ўтишган экан. Дўстларим билан учрашганимдан, улар ўзлари шугулланиб юришган таэквон-до клубига мени ҳам таклиф этишиди. Уларнинг машғулотларини кўриб, таъсирланиб кетдим ва менда ҳам спортнинг бу турига ҳавас ўйонди. Шу кундан бошлаб устозим Фурқат Халилов қўлида таэквон-до билан мунтазам шугулланиб келаман.

— Ҳаётингизда таэквон-дони кўча-кўйда кўллашга мажбур бўлган

кунларингиз бўлганми?

— Йигитчиликда бундай воқеалар ҳам учраб туради. Бундай пайтда мен билан келиша олмайдиган одамга, иложи борича шу жараённи ижобий ҳал килишга, тушунишига ва уни тинчлантиришга ҳаракат килиман. Агарда шунда ҳам у тинчланмаса "саволга" қараб "жавоб" қайтараман. Ахир спорти ҳам ўзини ҳимоя килиши керак-ку?!

Лекин биринчи бўлиб мушт кўтартмайман. Бу номардлик бўлади.

— Сизнинг клубингизга қатнашиши ҳоҳловчилар кўпми? Қатнашётгандарнинг кўпчилиги нима мақсадда ёки нима сабабдан бу ерга келишиади?

— Ўзингизга маълум бўлса керак, бутунги кунда Шарқ якка курашларининг орасида энг замонавийси таэквон-до хисобланади.

Шунинг учун ҳам клубимизда шугулланиши истовчилар жуда кўп. Лекин Шарқ якка курашларининг ҳаммаси ҳам бир-биридан гўзал, кишини соглом ва довюрак килиди. Авваламбор, клубимизга келгандар билан чин дилдан сухбатлашаман. Курашга ҳар томонлама лойиқ бўлганларнингина клубимизга кабул қиламан. Бу ерга келаётгандарнинг кўпчилиги асосий мақсаддари кўча-кўйда ўзларини ҳимоя эта олиш ва жисмонан тетик бўлишдир. Ҳозирги иктисидай кийин даврда ҳаёт тақозоси бу?

— Шогирдларнингиз ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўзлаб берсангиз?


— Қисқа давр ичидаги шогирдлар ҳам тайёрладим. Жамолиддин Зайнутдинов, Тохир Пўлатов, Эркин Аъзамхожаев каби истеъоддли шогирдларимдан келажақда яхши спортчилар чишишига ва улар мустакил

Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қишишга кучлари етади, деб ўйлайман. Уларга таэквон-донинг анча-мунча сирасорларини ўргатдим. Менга ҳам улар кўп ёрдам беришади. Масалан, бошқа шахарларга мусобақаларга кетиб қолгандимда ёки бирор зарур ишни чиққанда уларга бемалол гурухни ишониб топшириб кетаман. Улар яхши болалар, спортивизминг келажаги. Бунга ишонаман.

— "Тонг юлдузи" муштарилинига истакларингиз.

— Укаларимга соғлик, саломатлик, хушчакчаклик, ўқишиларда омадлар тилайман. Агарда соғ юрай, яхши фикрлай, чарчаш нималигини билмай десалар, спорт билан мунтазам шугуллансинлар.

Отабек РАЗОК.



"СПОРТ" ЦИЛОКРОССВОРДИ

Азиз ўқувчи! Куйидаги таърифланган номларни топиб, спортга бўлган қизиқишигизни синаб кўринг. Жавоблар белгиланган хонадан соат мили йўналишида, шаклдаги рақам атрофига ёзилади.

1. Яхши ният ўйинлари маркази, АҚШдаги шаҳар. 2. Энг оммавий спорт ўйини. 3. Тўрда сакраб бажариладиган оммавийлашаётган спорт тури. 4. Шахматда тезроқ ҳужумга ўтиш мақсадида пиёда ёки сипоҳни курбон қилиш. 5. Ким ўзди мусобақаси. 6. Бокса қаттиқ зарба бериши. 7. Лангар чўп билан сакраш бўйича рекордчи, совет спортчisi. 8. Дунёда оммалашаётган японча спорт, яккана-якка олишув тури. 9. Қадимдан кенг тарқалган миллӣ халқ спорт тури. 10. Ватанимиздаги спорт жамиати номи. 11. Асли Япониядан тарқалган кураш тури. 12. Эришилган энг юқори натижа. 13. Шамол кучи билан ҳаракатланувчи сув спорти анжоми. 14. Ракетка билан ўйналадиган спорт тури. 15. Тухумсимон узунчоқ тўп билан ўйналадиган спорт ўйини. 16. Енгил атлетиканинг пойга мусобақаси.

Энди шакл марказида қайси спорт турининг рамзий тасвири акс этилганлигини аниқлангчи!

Ф. ОРИПОВ тузган.

ХУШ КАЙФИЯТ БОИСИ

Нодира мактабдан хомуш қайтди. Апил-тапил ечиниб, ўрнига чўзилиб олди. Қизининг бундай қайфиятини кўриб, унинг изидан кирган онаси бозотталаниб сўроқча тути.

— Тинчликми, она қизим? Хомуш кўринасан. Ё тобинг кочдими?

— Йўқ, ойижон, сопла-согман. Кечак жисмоний тарбия дарссида машқлар бажарганимдан кейин оёқ ва қўлларим қаттиқ оғрияпти, — тинчлантирган бўлди онасини Нодира.

— Хечкиси йўқ, қизим, ундаётган бўлса кетади, — тушунтириди онаси,

— бу жисмоний тарбия билан доимий шугулланиб бормаганилигиндан...

Шу воеқ сабаб бўлди-ю, Нодира ҳар куни барвакт туриб, бадантарбия билан шугулланишга аҳд қилди. Мактабларида ташкил килинган таэквон-до тўтарагига ҳам қатнаша бошлади.

Дастлаб спортнинг бу тури билан шугулланиш кизларга тўғри келармikan, дейа иккапланган ота-онаси ҳам тўғрак раҳбари, кора камар сохиби Афинағенов Михаил Борисович билан сухбатлашишгач, рози бўлишиди.

Дилбар ЧОРИЕВА,

Тошкент шаҳридаги

125-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.



СПОРТ * СПОРТ

"Тонг юлдузи" нинг бирор сонини қолдирмай ўқиб бораман. Бу мажбурлик ё бирор мақола, шеър, ҳикоям мабодо чиқса, кўрмай қолмай деган фикрдан эмас, балки тенгдошларимнинг ижоди билан танишолмай қоламанми, деган хавотир ичидаги почтага югураман. Газетада эълон қилинган шеъру ҳикоялардан олган таассуротларим ва эътиrozларимни айтсан, фикрлашсам дейман. Зоро, адабиётни ҳам "фикрий жанглар" майдони дейишади.

Газетанинг шу йил 21-сонида Гулбаҳор Бобохонованинг "Дугоналар" ҳикояси чоп

Санобар баодоб яхши дугона экан, ёмон ким? Албатта, Лобар-да! Ёмонлиги кучукчаларни совуққа ташлаб кетганлигига. Савол қўйайлик: нима сабабдан Лобар шу йўлни тутди? Туб сабаблари қаерда? Шу фикрга дабдурустдан келмагандир? Ҳикояда бу хусусида сўз юритилмаган. Гуноҳкор санашдан олдин айни тузукроқ қўйайлик...

Мен умуман бу ҳикояни бўлмайди демоқчимасман, эътирозимни билдиридим, холос. Балки бошқалар ҳам ўз фикрмупоҳазаларини билдиришар...

БАҲС

ХОМ ЎРИКНИНГ

ДЕГАНИ

Мен пишмаган гўраман
тишлаганинг шўриман.
Ҳозирча, ха, шўртакман.
Пишганида қантакман.
Еган билиб олади,
Оғзида шира қолади.

**Нуриддин ЮСУПОВ,
Фарғона вилояти,
Тошлоқ тумани,
Оқ олтин жамоа хўжалиги.**



Қилмоқчи бўлсанг-
Дўстларга хурмат,
Гадонинг олдини кесма.
Етмоқчи бўлсанг-
Вафонинг узоқ йўлига
Бахтиёрлар тўлини тўсма.

“ЁЛҒИЗ ХАЁЛ ГЎЗАЛДИР”

ЧЎЛПОН

Кушлар учар бошим узра
Гур-гур-гур.
Ҳавас ила қарадим мен
Хур-хур-хур.
Хаёл олиб қочар узоқ
Юр-юр-юр
Бу ҳаётни ташлагин-эй,
Бир-бир-бир.
Ўша ерда умр кечир
Сур-сур-сур...



ИСЁН

Мен денгизнинг
елкаларида
Кўрдим.
Ухлаб ётган сабрларни.

Умидларга ишонган эдим,
Тунларим ҳам алдади.
Кўрлмадим тушларимда
ҳам

У...нинг баҳорий юзини.

Бу кеча
Баҳорга кирган
Ўгрилар...
Боқ, олма гулларин
Ўгрилар...
Безанар ғамим бир
ғашлиқдан!

**Зарифжон ҚУРБОН,
Сурхондарё вилояти,
Олтинсой тумани,
36-мактаб ўқувчиси.**

тўплаб, "Гулхан" га езилсалар,
навбат билан ўқишилари мумкин!
Шошилинг! Вақт ўтмоқда,
Гулханжон кутмоқда!

“Гулхан” индекси: 75430.

**Бир йилга-120 сўм,
олти ойга-60 сўм,
уч ойга-30 сўм.**

Оқдорлар. Еътирозлар

этилган. Тузилиши содда, айнан, катталар айтмоқчи "ўқувчиларбоп". Ҳикояни ўқиш давомида қийинчиликларни кўрмайсиз, осон ўқилади ва шуурингизда туғилажак саволлар ҳикоя ниҳоясигача "қоп-қоп" бўлади. Четдан қарасангиз ҳам ўқувчибоп. Мана якун: "Санобардан кучукчани қаердан олгансан, деб сўрашганда "Лобарларнинг или болалаганда у совға қилган" дейди.

Ҳикоя тугади. Аммо ўқувчи кўнглида мунозара давом этптими? Агар давом этиб, маълум бир ғоя чиқарилган бўлса, қандай экан у? Менимча, (бир муштари сифатида ҳукм чиқараяпман) Санобарнинг иши тўғри, унга суюниш мумкин, аро йўлда ташлаб кетмайди. Яхшиликка рамз бўла олади.

МУҲАРИРИЯТДАН: нақл қилишларича, шеърларнинг мазмуни устида тортишаётган шогирдлари даврасига ўшилиб юзинчи маъносини Бедилнинг ўзи айтган экан. Шеърият, умуман адабиёт ҳақида тортишиш, баҳс юритиш анча чигал масала. У камалак сингари рангдор ва кўп қирраларга эга. Қай бирини олманг, албатта ундан бир неча маъно топасиз. Асарни ҳар бир китобхону шеърхон ўзича тушунади, ўзича таҳлил қилиб, ўзича баҳо беради. Акс ҳолда муаллиф ижодининг энг нозик томонлари, хусусиятию фазилати очилмай қолаверади. Шундай экан, қадрли болалар, сиз нима дейсиз?

“ГУЛХАН” ИНГДАН АЙРИЛМА

Қадрли болажонлар!

Сизга яқин сирдош Гулханжон дўстингиз . бу йил бозор иқтисодиети гирдобида қолиб, кўнглига қил сиғмай турибди. Чунки ҳар иши шу пайтгача 200 минг, 300 минглаб ўқувчилар "Гулхан" га обуна бўлардилар-да! Дунеда дўстини ўқотишдан ҳам оғир

жудолик ўйқ. Бу танқислик кунлари ҳам ўтар, лекин бир йилга 120 сўм тўлаб, "Гулхан" га обуна бўлсангиз, қанча эртаклар қаҳрамони билан дўст бўлганингиз қолар. Бир қисслаб кўринг: оддий қоғоз халта 3 сўм, 1 қути гүгурт 1 сўм 20 тийин, 1 та хатжилит (конверт) 1 сўм 80 тийин! 1992 йил-

ги 60 тийинлик "Гулхан" нинг ҳар бир китобчаси учун ҳукумат 4 ярим сўмдан тўламоқда. Янги 1993 йилда эса "Гулхан" нинг таннархи ўз баҳоси 1 ойга -10 сўм, сотувда-12 сўм белгиланди. Нарх-наво шундай йўсинда ошаверса ҳар бир китобча 15-20 сўмга тушши ҳеч гап эмас.

Шу боисдан обуна бўлганлар ютқазмайди.

Курби етмаган болалар 2-3 тенгдош бирлашиб, бирга пул

тўплаб, "Гулхан" га езилсалар, навбат билан ўқишилари мумкин! Шошилинг! Вақт ўтмоқда, Гулханжон кутмоқда!

“Гулхан” индекси: 75430.

**Бир йилга-120 сўм,
олти ойга-60 сўм,
уч ойга-30 сўм.**

Фарзандимиз ДИЛАФРЎЗ!

13 баҳоринг муборак бўлсин! Гулгун чехрангдан табассум аримасин. Ота-онанг баҳтига доимо саломат юргин.

Сени қутлаб: даданг, ойинг.

Тожикистон жумхуряти, Нов тумани, Сайдқўргон қишлоғи.



Қизимиз УМИДАХОН!

10 ёштагулишинг билан сени чин қалдан муборакбод этамиз. Доимо ҳаётингда баҳт ва омад ҳамроҳинг бўлсин!

Онанг Зулфияхон ва даданг.

Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Зираобод посёлкаси, А. Алиев кўчаси 13 уй.

Азиз ҲАЙИТБОЙ!

12 баҳорни қаршиладинг. Шу муносабат билан сени мубаракбод этамиз. Ўқишиларингда мубаффакиятлар тилаб қоламиц.

Отанг Раҳимжон, онанг Маҳбубаҳон, опаларинг Нилуфар ва Наргизабону, аканг Ҳасанбой, уканг Шермуҳаммад.



Суюкли ХУРШИДЖОН!

Ўн ёшга қадам қўйишинг муборак бўлсин.

Соф-саломат бўлиб, узоқ умр кўргин. Ота-буваларинг руҳи қўлласин.

Ойижонинг, амакинг, аммаларинг.


Тошкент шаҳри.

Азиз фарзандимиз ФУЛОМЖОН!

Биз сени кутлуг 12 ёшинг билан табриклаб, ўқишиларингда мубаффакиятлар тилаймиз.

Табрик ила оила аъзоларинг:

Нурметовлар оиласи.
Сайрам қишлоғи.



Мълумот учун телефон: 32-54-21

Бош мұхаррір: Акрам БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳтири ҳайъати:

Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб), М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Д. ТУРАХМЕТОВА, В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Таъсис этувчи:
УЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚўМИТАСИ

БИЗНИС МАНЗИЛГОҲИММIZ:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 700083,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.

Тошкент шаҳри. 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Чоп этиш вақти — 18.00. Буюртма № Г-27. Нашр кўрсатничи 64563.